Шарқ юлдузи

Ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

6

1988

57 -йил чиқиши

Бош редактор

Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Саид АҲМАД
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
(бош редактор ўринбосари)
Омон МУХТОРОВ
(проза бўлими мудири)
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТЎЛА
УЙҒУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул секретарь)
Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шукур Холмирзаев

МЎЪЖИЗА БЎЛИБ ҚОЛСИН

(1987 йил ҳикоячилиги ҳақида ўйлар)

«1987 йил ҳикоялари» деганимиз билан уларнинг йил бошида чоп этилганлари — шубҳасиз, 86-йилнинг маҳсули ва 87-йилнинг ўртароғида ёзилган аксар ҳикоялар ҳам 88 да эълон қилинадики, демак, фалон йилнинг асарлари, деган гапнинг ўзи нисбийдир.

Шу каби — менинг бу «шартли йил» ҳикоялари ҳақидаги мулоҳазаларимни ҳам мутлақ объектив деб эмас, журналнинг фикри ёки қатъий хулосаси деб эмас, балки шахснинг нисбий объектив мулоҳазалари, деб қабул қиласиз.

Тағин бир гап:

Мен ҳозир тилга оладиган аксар ҳикояларда анъанавий йўлда ёзилган, яъни, биз ТУРҒУНЛИК аталмиш даврни ортда қолдириб, БУГУНГИ кунда яшаётган эсак-да ва гап КЕЧАГИ кун — 87-йил ҳақида кетса-да, бу асарларда на турғунлик йилларининг бирон-бир муаммоси ўртага қўйилади, на-да БУГУНги долзарб бирон масала.

Шунинг учун ҳикоялар мазмунида ҳам анъанавийлик кўраман.

Бироқ бу гап — уларни асло КАМСИТИШ эмас! Чунки бу тур асарлар эртанги кунда ҳам яратилиши ва ЯХШИЛАРИ ИНДИНГИ кунларда ҳам севиб ўқилиши шубҳасиз!

Гапни носирларимиздан бошлайман.

Мана, «Шарқ юлдузи»нинг 3-сонида Жамила Эргашева деган ёш адибамизнинг «Маломат» номли ҳикояси босилди. Мазмуни: ёши ўтинқираганроқ Эркиной отли қиз автобаза директори Самадни яхши кўриб қолади ва ҳалигидай «юра бошлайди». Кунларнинг бирида маълум бўладики, директор оилали, тўртта боласи бор. Шу ўринда жиндак таажжуб қиласан: битта районда яшаб туриб, ундаги азза-базза автобазадек корхона директорининг уйланган-уйланмаганини билмаслик — ғалати! Бунинг устига, унга маъшуқа бўлиб юрган қизнинг билмаслиги! Ҳа, майли, дейсиз.

Эркиной буни билиб қолади ва ошиқ-тўра билан иккиси ўртасида шундай гап кечади:

«— Нима бўлгандаям бировнинг оиласини бузиш яхши эмас. Ҳаққим йўқ,— дейди қиз.— Ахир, болалар-чи?

— Қўйинг... Тўртови тўрт тарафимдан ёпишсаям у ерда қололмайман...— Кейин ҳаяжон билан давом этади:— Эркиной, эшитяпсизми, тўйиб кетдим дунёдан...»

Сўнгра автор ёзади: «Эркиной ўзини ортиқ идора қилолмай қолди. Энтикканича унинг кўксига бош қўйди».

Кейин бўлса Эркиной барибир «маломат»га қоламан деб, ишдан кетворади.

Хўш, КЕТИБ қаерга бораркан?

Ташландиқ бир уйга кириб қолади. Бир ит жунжикиб ётибди. «Сен ҳам менга ўхшайсан», деб ўйлайди у. Ва шунда автор тағин таъсирланиб ёзади: «Ёмғир (эса) сира тинай демасди».

Кейин нима бўлади?

Автобаза директори ўз оиласи оғушида, илгари қандай яшаган бўлса, яна шундай яшаб кетаверади.

«Ё, тавба,— дейсан — ахир у Эркинойни севарди-ку? Қани «ҳаётдан тўйиб кетган» йигитнинг нолалари?»

Демак, йигит қизни шунчаки алдаб — эрмак қилиб юрган. Қиз эса, — қиз-да, — унга ишонган!

Менга шундай туюлдики, ёш адибамиз ҳам худди қаҳрамонлари Эркинойдек ўйладилар ва Эркиной каби база директорига ишондилар. Ана шунинг учун ҳам силлиқ, чиройли тил билан, эҳтирос билан ёзилган ҳикоя чала бўлиб қолди: автор ҳикояни давом эттиролмади.

Хуллас, муаллиф қаҳрамонларидан БАЛАНДда туролмаган.

«Ёшлик» журналининг 3-сонида босилган Ёқут Акрамованинг «Томчи» ҳикояси ҳам тахминан шундай.

Дилшода Саидолимованинг «Таниш кўчалар» ҳикоясида шаҳарлик ишчи аёл туғилган қишлоғига қайтиб, бир вақтлар ўзини қўйиб юбориб бошқага уйланган йигитнинг ғоят хароб-мискин ҳаёт кечираётганини кўради ва: «Нега бундай? Одамзоднинг бахтсизлигидан ҳам қувонар эканми киши? Нега мен қувоняпман?» дейди... ўз ҳолатидан ҳайрон қолиб.

Ҳорғин-шикаста оҳангда ёзилган бу нарса кишига ўзининг ҳаётийлиги билан ёқади.

Мен «нарса» дедим. Чиндан ҳам Дилшоданинг ҳикояларигина эмас, юқорида бир оз таҳлил қилинган сингилларимиз шу жанр остида чоп эттирган асарлари ҳам ҳикоя талабига жавоб бера олмагани учун — «бир нарса», балки ҳикоя билан лавҳа орасидаги нарсалардир.

Яқин бир-икки йилдан буён матбуотда кўриниб қолаётган Саломат Вафоеванинг «Саодат»

www.ziyouz.com kutubxonasi

журнали 3-сонида чиққан «Шундай кун» ҳикояси барча адибларимиз ижоди орасида бамисоли ёнартошдек порлаб туради.

Ҳикояда қадимги гап — эришилмаган ишқ ҳақида гап кетади: бир йигитга ошиқу беқарор бўлган қизнинг бир кунлик самарасиз изтироблари ҳамдардлик билан шоирона тасвир қилинади.

Энди асосий кучларимиз — йигитларга ўтамиз.

Эркин Аъзамов — тан олинган ёзувчи-ҳикоянавис. Унинг «Анойининг ёввойи олмаси» каби мукаммал асарлари чиққач, адабиётимизда Эркиннинг тақлидчилари ҳам пайдо бўлди.

Ана шунинг учун бу адибнинг ижодига катта ҳурмат ва катта талабчанлик билан қарашга ҳақлимиз.

Ана шу даражадан Эркин Аъзамовнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган «Ватанпарвар» ҳикоясига назар ташласак, хийла ўйланиб қоламиз.

Бир районда «Патриот» лақабли киши яшаркан. У ўзга юртдан келган меҳмонларга ўз ўлкасини нуқул мақтаб, оғзини очиб қўяркан. Яхши образ!

Лекин Патриот сал-пал такаббур ҳам. Масалан, битта камтаргина тенгқурини — полвон йигитни «Менинг маймуним» деб атайди ва унингда зўрлигини меҳмонларга намойиш қилиш учун оғир тўсинни кўтартиради.

Дарвоқе, бу тўсинни ундан бошқа кишининг кўтариши маҳол.

Хуллас, районга келган янги меҳмонга Патриот полвонни чақириб, ҳалиги тўсинни кўтаришни буюради ва уни одатдагича «Маймуним» деб атайди.

Полвон... биринчи марта, ҳа, **биринчи марта** Патриотнинг сўзини олмайди: тўсинни кўтармайди. Тағин, зарда қилиб кетиб қолади. Ушбу воқеа, чамаси, уч-тўрт бетда тасвир қилинади. Ҳикоянинг давомида тағин ўн икки-ўн уч бет бор.

Мен полвоннинг кетиб қолганини «кўргач», жуда ҳаяжонга тушдим. «Бунча тез ривожланди сюжет?». Буёғида нима бўлади?» деб ўйладим ва шу оннинг ўзида,— профессионаллик касали-да бу,— хаёлимда ҳар хил тусмоллар айлана кетди: «Энди, демак, Патриот меҳмонни жойлаштириб қўйгач, полвоннинг кетидан боради», деб ўйладим. Ахир, кимсан, Патриотнинг сўзини икки қилди у! Патриот қандай чидайди?! Ҳали уни чинакамига маймун қилиб ўйнатади!..

Ҳикояни ўқишда давом этдим: Патриот бошқа ишлар билан машғул, ёзувчи эса унинг қилмишларини тасвирлаяпти, изоҳлаяпти, баён қилаяпти.

«Ҳа, ҳикоя чиндан ҳам Патриот ҳақида экан. Демак, Эркин уни янги тўқнашувларга солар? Улар олдида полвондан дакки ейиши ҳеч нарса бўлмай қолар!» деб ўйладим. Ўқияпман, ўқияпман: тўқнашувдан дарак йўқ.

Аксинча: ўқиган бўлсангиз — пайқагандирсиз, автор Патриотни оқламоқчи бўладими-е, ундан қандайдир хижолатпазлик сезадими-е —шунга ўхшаш оҳанглар ҳам сезила бошлайди.

Оқибат автор, биз ҳам бордик шу районга, Патриот бизниям айлантирди, деб ҳикояни тугатади.

Таажжуб!

Мен гапнинг бўларини айтаман: ҳикоя қуйидаги икки шохдан бирига йўналиши керак эди.

Биринчи йўл: такаббур Патриотнинг синиши... Агар шу йўл тутилганда, ҳикоя давомидаги таъриф-тавсифлар тепароққа олиниб, полвон билан «оранинг бузилиши» ҳикоя сўнгига кўчирилиши керак эди.

Иккинчи йўл: маймун-полвоннинг ўз қадри-қимматини англаш йўлидирки, бу ҳолда у биринчи ПЛАНга чиқариб тасвирланиши керак эди.

Балки ҳикоя шу ҳолидаям яхшидир? Мукаммалдир?

Бироқ, менинг — субъектнинг объектив фикри — шу!

Ҳикоя автори Патриотни оқлашга интилганидек, мен Эркинни қандайдир ёқлашга ҳаракат қилмайман.

У бунга зор эмас!

Мен Эркин Аъзамовни чин маънода ёзувчи, ўз қамровига, ўз образларига ва тасвир усулларига эга бир адиб сифатида ундан ҲАМИШАГИдек асарлар кутаман ва истиқболда прозамизнинг теран устунларидан бири бўлиб қолишига ишонаман.

Энди гап — «Шарқ юлдузи» журналининг январь сонида босилган «Оқ бино оқшомлари» ҳикояси ҳақида.

Муаллиф — ҳаммангизга маълум — адабиёт жафокашларидан бири, публицистик мақолалари билан ҳам суюкли бўлиб қолган адибимиз — Нурилла Отахонов.

Ҳафиза деган чиройли («жуда чиройли») қиз Шарифжон деган йигитни яхши кўриб тегади ва у билан лаззатли ҳаёт кечира бошлайди.

Кейин Шариф ўқишга кетади-ю, Ҳафизанинг эски жазмани Авазбой унинг йўлини тўса бошлайди. Алқисса, у Ҳафизани дала четидаги оққина ҳужрага тортади.

Ёзувчи Ҳафизанинг эри билан ҳам, бу ўйнаши билан ҳам кечирган интим онларини биз тасвирлашга журъат этолмайдиган бир шиддат билан кўрсатадики, адабиётнинг мана шу функцияси ҳам борлигини унутиб қўйганимизга иқрор бўламиз: ахир адабиёт ҳаётнинг мана шундай томонларини ҳам одоб доирасида кўрсатиши керак!

Авазбой хотинини қўяди. Ҳафиза ҳайрон бўлиб дейди:

«— Қўйинг, бечорани овора қилманг...

— Уни ёмон кўраман.

— Хотинингизни ўйламасангиз, болаларингизни ўйланг... Мени десангиз, ажраманг...»

Аваз барибир хотинидан расман ажралади ва, ҳайҳот, ичкиликка берилади. Кейин табиий ҳол: Ҳафиза ўзини олиб қоча бошлайди ва оқибат унга қарамай қўяди.

Қарабсизки... у мажнуна бўлибди!

Нега?

Аваз унинг қандайдир ишончларини оқламагани учунми? Балки хотинидан ажрагани учундир? Балки Ҳафиза қаттиқ виждон азобига йўлиққандир?

Ундай десак, ҳикоя сўнгида, ретроспекция бўйича бошига кўчирилган шундай парча бор: Ҳафизадан дугонаси сўрайди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

«— Мабодо қайта бошдан бошлаганингда, кимга тегардинг?

— Шариф акамга,— деди Ҳафиза ўйлаб ўтирмай.

— Унда Аваз ака-чи?

— Билмадим...— Ҳафиза тутилиб қолди.— Ростини айтсам, тағин шундай бўларди, шекилли...»

О, гап буёқдами? Демак, ёзиғи шу?.. Уни — қисматни билар эканда? Демак, Шарифга тегиб олиб, ишратни Аваз билан суриш тақдирида бор экан-да?

Ана шунда қизиган миянгга навбатдаги хунук гап келади: демак, Ҳафиза Шарифни ҳис билан, Авазни ҳирс билан севар экан.

Энди бир сония оғир бўлайлик!

Тасаввур этинг: Нурилланинг ижозати билан ҲАЛИГИ парчани олиб ташлайлик-да, ҳикояга яна бир назар солинг: нима ўзгарди? Ҳеч нарса.

Қайтамга боягидек хунук хулоса дарҳол бизни тарк этди.

Бироқ... қизнинг ЖИННИ БЎЛИШИга ишончсизлик ҳисси қолади, албатта.

Демак, у жинни бўлмаслиги керак!

Унда ни-ма бўлиши керак?

Унда... руҳий таҳлилга бой бу асарнинг моҳиятидан келиб чиқадиган ҳол содир бўлади. Яъни, «икки кемани ушлаган киши ғарқ бўлади» деганларидек — Ҳафиза... ОРА ЙЎЛДА қолади.

Ҳикояда менинг ақлим етмаган маъно ва сирлар бордир балки?

Унда билмадим.

Аммо, умуман, бир нарсани БЕМАЛОЛ қайд қилишим керак: кўпчилик ҳикояларимизда ЕЧИМ ЧАТОҚ.

Ўзи, бўйинга олиш керак: ечим топиш қийин.

Чехов бобоям: «Ҳикояга янги ечим топиш — янги ҳикоячиликни бошлаш билан баровар-ов», демаган бежиз.

Чунки ҳикояда ЕЧИМ — ёзувчининг дунёни зуҳур этиши, инсон руҳининг ички ва сиртқи қонуниятларини нечоғлик билиши, қолаверса-маҳорат-профессионаллик, ижод техникасини қанчалик эгаллагани билан боғлиқ масаладир!

Мана, асосан — «Ижод техникаси»ни эгаллаш натижасида ёзилган ҳикоялардан бири — Хайриддин Султоновнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 13 февраль сонида чиққан «Пластинка»си.

Оёғи синиб, уйга қамалиб қолган ёш бола эрмак излаб, отасининг не-не ҳасратда йиққан — классик куйлар ёзилган пластинкаларини икки қатор қилиб тизиб қўйиб, ўзи поезд бўлиб юра бошлаганда, ота келиб қолади: пластинкалар қирс-қирс синяпти.

Во дариғ!

Қаттиқ хафа бўлган ота ногирон ўғлига озор бермай, ўзининг ич-этини еб ётади ва... тўсатдан эслайди: ўзи ҳам... ҳа, ўзи ҳам мана шундай — бола ёшида ўйин-ўйин билан, суюкли бувисидан қолган ЯГОНА ёдгорлик — у кишининг овози ёзилган магнитофон лентасига ғарб музикасини ёзиб юборган эди.

Ўртоқлар, бунақа ишларни ўзимиз ҳам қилганмиз: ўйинқароқлик билан энг азиз, мўътабар нарсаларимизни ҳам барбод берганмиз.

Хатолар тақрорланаверар экан!

Ҳикоя Хайриддиннинг фақат ўзига хос нозик юмор билан ўхшатиб ёзилган.

Раҳмат, мулла Хайриддин!

Тағин авторига раҳмат айтса бўладиган ҳикоялардан бири — ўша «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 23 октябрь сонида чоп қилинган: «Муюлишдаги эшик».

Муаллифи — Зоир Мамажонов.

Бундан икки йилча бурун: «Сурхондарёда бир мухбир қамалипти. Туҳмат билан. 8 йилга кесишмоқчи экан, 1 йил беришипти», деган гапни эшитгандирсиз?

Ўша «мухбир» чиндан ҳам бир йил ётиб чиқди. Яқинда ўша бир йил ётгани учун давлатдан ҳақини ҳам ундириб олди.

Зоир Мамажонов — ўша йигит.

Ҳикояга қайтдик. Боғ қоровули Маматқул чол боғдан бировга хас ҳам олдирмайди.

Оқибат, раиснинг ўтин учун борган шофёриниям қайтаради.

Қария боғ бригадирининг ҳам жонига тегиб юрган экан, хуллас, уни ишдан бўшатишади... Бўшатишади-ю, орадан тўрт ой ўтгач, бир куни ўша шофёр шошиб келиб:

«— Тез бўлинг. Раис чақиряпти!»— дейди.

Чол ҳайрон, кабинага киради. Лекин алами кучли. Йигитга шундай гап қотади:

«— Ҳей, менга қара. Шундай қилиб, энангга эр топмадингми? Отангни ўлганига ўн қовун пишиғи бўлди?»

Шофёр миқ этмайди.

Раис ҳам чолни бағрига босиб кутиб олади. Кейин қоровуллигига тайинлаб, бекор ўтирган вақтининг пулиниям тўлайди. Чол баттар ҳайрон бўлиб, уйга қайтади.

Кейин билса... бир куни марказда тишини олдириб, кўнгли беҳузур бўлиб, деворга суянганда, тирсагидан суяган киши — райком секретари экан!

Раис секретарни — чолнинг қариндоши, деб ўйлаган!

Чол ўксиб, боққа боради. Яна дарвоза қошида. Оқшом қараса, ичкаридан тағин ўша шофёр машинасини ҳайдаб келаяпти. Кузовда олма... Шофер эрталабгидек тайлоқланади. Чол эса, етти ёт бегонадек, дарвозани қулфлайди.

Эртага ҳалиги сир фош бўлиб, тағин ишдан ҳайдалишини билатуриб, шу ишни қилади.

Зоиржоннинг қаҳрамони билан ўзи орасида яқинлик кўрдим мен. ШУНИНГ УЧУН бу чолга буткул ишондим ва уни яхши кўриб қолдим.

Энди ижозатларинг билан бир воқеа айтиб бераман:

«81-йилмиди — Бухоронинг Афшонасига бордим. Ибн Сино туғилган кентга. Меҳмонхонага тушдим. Ҳам директор, ҳам қоровул Эргаш ака билан гаплашиб ўтириб, қадим мақбараларни кўрмоқчи, сўнг қадим боғбонлар билан суҳбат қурмоқчи эканимни айтдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эргаш ака дафъатан хурсанд бўлиб, Қурбон бобо деган киши бор, деди.

Бобонинг уйига борсак, пешонасига қизил қийиқ боғлаган, оқ яхтакли қария кўчат пайванд қилаётган экан. Саломимизга алик олди-ю, ишини қилаверди. Анча вақт ўтиб кетди. Қаддини кўтарганда кўрдим: қария бирқўл эди.

Етти пушти боғбон ўтган бу кимса урушдан қайтгач, тентираб юриб, Хўжа Саид Пўлатнинг мақбараси ёнига келиб қолади. Мақбара атрофи хароб. Аммо ер бор, яқин жойда сув ҳам бор.

Бу ерлар бир замонларда боғзор, токзор бўлгани ҳам унга маълум: эмишки, мўғуллар босқини даврида улар бу тупроқда кўп лашкар йўқотганлар. Оқибат, ерлик халқ ҳам қирилиб, Хўжа Саид Пўлат қолган. Унга муносиб жазо — шу деб, атрофдаги токларни кесиб, тоғ баравари уюб, тагига ўт ёқишган-да, Саид Пўлатни бир хумга солиб, ўт устига қўйишган. Аланга уч кеча-кундуз пасаймаган. Кейин хумни тушириб очсалар, Саид Пўлатнинг ниҳояти пешонаси терлаган эди.

Уни нимталаб ташлаганмиш.

Қурбон бобо... шу мақбара атрофини боғ қилмоқчи бўлиб роса югуради. Унга рухсат этишмайди, вассалом. Нима дейишади денг?

«Агар бирор идора шу қаровсиз ерни ўзига олса-ю, сизга маош тайинласа, боғ қилаверинг!»

«— Вей, мен текинга қилиб бераман!»

«— Текинга мумкин эмас!»

Не дейсизки, ижроқум раиси бир одамгарчилик қилади: қаровсиз ерни боғ қилишга рухсат беради. Рухсатдан бошқа... ҳеч нарса!

Қурбон бобо ўн беш йил шу ерда тер тўкади.

«— ... Аммо жоним қийналмади,— деди.— Қайтага роҳат қилардим. Биров тепамда қамчисини ўйнатиб турмади».

Етмиш саккиз ёшида токни кесатуриб нарвондан йиқилади. Сўл қўли синади. Уни тузатадилар, лекин қўл қуриб қолади.

Қурбон бобо ҳукуматдан орден-медаллар ҳам олган. Аммо қачон олганини эслолмайди.

«— Шуни берганда... Хрушчевнинг замони эди... Вистапкага Сталин даврида борганман».

Қария бу нарсаларни эслолмайди-ю, ўн олти гектар боғдаги ҳар туп дарахтнинг қачон экиб, қачон пайванд қилганигача эслайди.

Энди қуйида ёзиб қўйганим бир неча калима билан ҳикояни тугатаман: «Бобо билан хайрлашарканман, унинг кўзларидаги маъюс табассум юрагимга тегиб ўтди. Умр — ниятига етган умр бўлса-да, афсус, шомига яқинлашаётганди.

— Менга ҳеч нарса керак эмас,— деди у. Мақтаб ёзманг демоқчи.— Мендан қоладигани шу бўлди...

Шундай деганда, ҳаёт қонуни олдидаги чорасизлик ва умрдан мамнунликни уйғунлаштирган бояги табассум «пов» этиб алангаланди. Қўлимдан келганда, унга минг йил умр ато этгим келиб кетди...»

Тузук ёзибманми?

Йўқ, мен буни ёзмаганман. Афшонани кўрганим ҳам йўқ... Бу воқеа — бизнинг энг талантли, энг ўйчан, энг мард ва билимдон ёзувчиларимиздан бири — Зоҳир Аъламнинг ўша «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 21 август сонида эълон қилинган «Қурбонобод» деган воқеий ҳикоясининг қисқача баёни.

Менинг жўн баёнимданоқ асарнинг қимматини англаган бўлсаларинг керак.

Лекин... бир нарсага афсус қилдим: Зоҳиржон шошилмасдан, буни бадиий асарга айлантирса бўлар экан...

Яна танқидбоп ҳикояларга ўтамиз.

Муҳаммад Салом. «Муҳораба». «Шарқ юлдузи». 4-сон.

Ҳикоя фавқулодда яхши бошланади, яхши давом этади. Аввало, ҳикоянинг номини қаранг: «Муҳораба». Яъни, уруш. Қирғин-барот уруш дегани. Куни кечагача биринчи жаҳон урушини ҳам «Жаҳон муҳорабаси» деб атардик.

Ҳикояда икки қўшни орасидаги бир парча ташландиқ ер устида гап кетади.

Шунинг жанжали.

О, ер устида қанча жанжаллар бўлмаган! Пироварди, жаҳон урушлари ҳам ер учун бўлган ва бобо Толстой Шарқнинг: «Инсонга икки газ ер керак бўлади, холос» деган улуғ ҳикматини билгандек, бу борада ажойиб повесть ҳам ёзган.

Шуниси ёқимлики, Муҳаммад Салом ўша парча ер устидаги жанжаллар асноси мана бундай деб ёзади: «Муҳорабага янги кучлар қўшилиб, анчайин (?) кенг тус олди. Оқибатда урушларда кузатилгани каби бунда ҳам баъзи талофатлар, ларзали (?) қурбонлар берилди».

Бу жумладаги «анчайин» сўзининг маъносини тушунмаслик (анчайин дегани тахминан «арзимас» дегани), «ларзали қурбонлар»даги сўзларнинг бир-бирига қовушмаслиги ҳисобга олинмаса, кўриб турибсиз, ҳикоянинг ёзилиш тарзи ҳам КАТТА ваъдалардан дарак беради.

Мен: «Э, худо! Яхши чиқсин-да шу ҳикоя. Муҳаммад Салом — жуда заҳматкаш ёзувчи...» деб қўрқиб, ҳикояни ўқийвердим.

Ҳикоя нима билан тамом бўлди денг?

Уруш қатнашчиси эканини пеш қилиб, муттаҳамлик қилиб юрадиган Самад муаллим деган шахснинг ўша парча ерни жиянига ўтказгандан кейин, бир кесакка қоқилиб кетиб, инсульт бўлиб ўлгани билан тамом бўлади.

Кейин автор ёзибди: «Бу мудҳиш ЙЎҚОТИШ олдида бошқа ЙЎҚОТИШлар ҳеч кимнинг эсига келмасди».

Наҳот?

Наҳот Сайфи муаллим ҳақида ёзилган бўлса бу ҳикоя? Наҳот у шайтоннинг ўлими олдида... асар марказидаги — ЕР УЧУН жанжалдек мавзу — МУҲОРАБА йўққа чиқса?

Бу — фавқулодда ечим.

Чамамда, автор ҳикояни қандай тугатишни билмаган.

Қамчибек Кенжа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу адибнинг «Балиқ ови» ҳикояси, умуман, ҳикоячилигимиз ютуқларидан саналади!

Энди, Қамчибекнинг «Солиевнинг ташвиши» ҳикоясини ўқиб... унга ачиниб кетдим.

Пулдор фан кандидати (кандидатлар у қадар пулдор бўлмайди, агар бирон институтда ишламаса), хўш, шу киши хотини машина олмасангиз бўлмайди, деб хархаша қилавергандан кейин такси кира қилиб, отасининг уйига боради.

Ота — II группа инвалиди! У кишининг номига машина олиш мумкин! (Лекин ўз номигаям олиши мумкин-а?).

Хуллас, Ота тайсаллаб-тайсаллаб кўнади. Аммо энди ИНВАЛИДЛИГИ ҳақида қоғоз олиши керак.

Ўзида бор қоғозлар бундан ўн йил бурун уйига ўт тушганда, куйиб кетган. (Дарвоқе, ўғил бундан жуда ҳайрон қолади. Ундан эса биз ҳайрон: «Наҳот уйларига ўт кетганини билмаса? Ўн йил бурун у қаерда эди?»)

Йўлга тушадилар.

Район социал таъминот бўлимига кириб боришади. Ахир, ота бу даргоҳдан 45 сўм пенсия олади! Аммо маълум бўладики... унинг ҳужжатлари бу ердаям йўқ. Йўқ, вассалом. (Аммо пенсия тўлашади!)

Демак, ҳарбий комиссариатга бориш керак? Боришади... Ҳайҳот! Ҳужжатлар у ердаям йўқ! Нега? Худо билсин!

Энди ота-боланинг хулосаси шундай: «Бу маҳкамалардан ҳеч нарса чиқмайди».

А, демак, автор ўша маҳкамаларни танқид қилмоқчи? Лекин бунга ҳикояда асос йўқ-ку?

Тағин бир нарсага эътибор қилинг: бу маҳкамаларни кимлар... КИМЛАР танқид қилмоқчи?

Ўктам Ҳакимали — анча серҳаяжон, шиддатли, ҳатто баъзан жонсарак бўлиб кўринадиган ва асарлари ҳам ўзига ўхшаб кетадиган бир адиб.

Унинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 23 март саҳифасида босилган «Қўнғироқ садоси» ҳикояси ҳақида гап кетадиган бўлса, мен шундай дер эдим: «Асар профессионал қўл билан ёзилган».

Уни болакайларгаям айтиб бериш мумкин: бор экан, йўқ экан, бир серка бор экан. У урушқоқ экан. Бошқа сурув йўлбошловчиларига кун беравермагач, уни кушхонага жўнатишади. Ўша ерда у қўй-қўзиларни пичоқ домига бошлаб киргувчи қотилга айланади. Кунларнинг бирида қараса, ўзининг суруви келиб қолибди. Бундан жуда қаттиқ хафа бўлиб, сурувдан олдин ўзини пичоққа дучор қилади.

Бу яхшигина... эртакми, масалми ё бошқа нарса...— аниқлаёлмадим.

Лекин бир нарсага ишонаман: «Қўнғироқ садоси»ни — реалистик ҳикоя дейдиганлар ҳам бор.

Ахир, тошбақалар, чўчқалар, мусичалар, бургутларни одамга ўхшатиб гапиртирилаётган бу ажабтовур замонда... биологлар, зоологлар, табиатшунослару руҳшуносларнинг, дейлик, ҳайвонлар ва қушларнинг одамга ўхшаб ўйлаш-ўйламаслигини аниқлай олмай, умрларини зое кетказаётган бу даврда... айрим ёзувчиларнинг бу проблемани осонгина ечиб ташлашларини кўрган тарафдорлари кўкрак кераб чиқишса — не ажаб.

Тағин «Ахир Холстомер бор-ку» деб даъво ҳам қилишар?

Аммо, мен бир одам, сал-пал саводи бор ва, мақтанмайман, Ўктамжонга нисбатан тоғу дашт ва ҳоказоларни ёмон билмайдиган адиб сифатида бунақанги гапларни тан олмайман.

Толстойга келсак, ўша асарда ҳам Холстомер одамга ўхшаб ҲАРЧАНД ЎЙЛАМАСИН, одам ҚИЛГАН ҲАРАКАТНИ ҚИЛМАЙДИ!

Неъмат Аминовнинг — ҳажвиётимизнинг «патриарх»ларидан бўлган истеъдодли адибимизнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да эълон қилинган «АЙРИ» ҳикояси ҳажв йўлида ёзилган эса-да, ўзининг самимияти, меҳрга йўғрилган тасвирлари билан бизни ром этади.

Сюжет ҳақида гапирмаймиз.

Танти темирчи ишлайдиган хонани, зангор аланга чиқариб ёнадиган тошкўмирни, қизиган темирни зангли сувга тиққанда ундан повуллаб кўтариладиган бўғиқ ҳидни, бу даргоҳга остона ҳатлаб кирган содда-тўпори одамларни эсланг...

Қаҳрамонларнинг ўзаро жанжаллари, битта айилни деб борди-келдига боришлари, ўғри чолнинг омборидан чиққан арзимас ашқал-дашқаллар, темирчининг: «Ол шу сигирни. Соғиб ичиб юр. Айил топилганда, қайтиб берасан», дейишлари — булар бари кўнгилга шу қадар яқин, азиз хотиралардек манзара ва ҳолатларки, эсласанг... менинг эсимга беихтиёр Болгарияда чиқадиган «Радуга»да ўқиганим — Америка адиби Чиверснинг қуйидаги гаплари тушди.

Адиб аксар ёзувчилар дунёнинг ҳалокат ёқасига келиб қолгани, атом урушидан сўнг тушадиган қишни ҳам бемалол тасвирлаётгани ва шу асно халқнинг тобора кўпроқ ваҳимага тушаётгани ҳақида гапириб, айтади: «Биз инсоннинг ўзлигидан адашганини биламиз-ку? Уни табиий ҳолатига қайтармоқчи бўламиз-ку?.. Шундоқ экан, ҳадеб уни ваҳимага солавергандан кўра, унинг оддий турмуши, ўша турмушдаги энг жўн-жайдари ташвишлари, қувончлари, шу йўлдаги ўзига яраша қийинчиликларини ҳам кўпроқ ёзсак, демак, ўша ўтиб кетган ҳаётига кўпроқ меҳр уйғотсак, уни ЎЗЛИГИга қайтариш бобида самаралироқ йўл тутган бўлмаймизми?»

Неъмат Аминовнинг унчалик мукаммал бўлмаган, ечими ҳам жўнгина — ўғрининг фош бўлишига қурилган ушбу ҳикоясини ўқиб ҳузур қилганимда, ана шу каби хаёлларга ҳам бордим.

Шойим Бўтаев деган ёш қаламкашнинг адабиёт газетамизда чоп қилинган (27 февраль сонида) «Баҳор шамоли» номли ҳикоясини ўқиганимда, илк тассуротим шундай бўлди:

«Нега бу адиб қаҳрамонларининг номи ўзбекча эмас? Ҳозир — тил ҳақида баҳслар кетаётган, ўзбек тилининг тозалиги учун баҳоли қудрат ҳаракатлар бошланган бир вақтда, ахир, исмларга ҳам бефарқ қараб бўлмайди-ку?»

«Холмирзаев» сўзи «Халмирзаев» дейилса — русча бўлиши, «Халмурзаев» дейилса — туркманча бўлиши, «Холмирзоев» дейилса — тожикча бўлиши ҳаммага маълум.

Битта ҳарфнингки ўзгариши — номни ҳам маълум миллатга тегишли қилиб кўрсатар экан, Шойим Бўтаевнинг ҳикоясидаги «Зулун, Ғупрон, Ғайби» каби исмларга не дейсиз?

Ҳикоянинг мазмуниям ғалати: дуппа-дуруст, «қўли ширин» бир ошпаз тўйда — ҳақига берил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган қўйни (қўйни?) олмайди-да: «Инсон нима учун яшайди? Ўзидан бир из қолдириши керак?», деб, сабзи экиб фойда кўришни таклиф этган бир жўрасига қўшилади.

Тавба!

Эски шаҳарда бир ошпаз тақдирини эшитганим бор.

Яхши ниятлар билан тўй бошлаган бир кишининг уйига тонгда етиб бориши керак экан. Аҳволи жуда оғирлашиб қолибди. Кейин ўғлини чақирибди-да: «Сен жўна ҳозир! Ошни бошла. Мен ўлиб қолсам, ўлганимниям билдирма» дебди.

У, менимча, ҳаётнинг маъносини мана шу касбида — касбга садоқатида кўради.

Шойимбойнинг ошпази... ошпазликдан ҳеч қандай маънавий ҳаловат топмайди.

У «яшашдан қандайдир бошқа маъно» ахтаради... Бордир шунақа одамлар! Аммо ундай «афанди»ларни бошқача қилиб тасвирлаш — ҳаракатларини асослаш лозим!

Ҳурматли ёзувчимиз Фарҳод Мусажонов «Саодат» журналининг 12-сонида «Қишда илиқ шабада» деган ҳикоясини бекор чоп эттирибди, деб ўйлайман.

Касалхонага бориб ётиши керак бўлган йигит докторлардан қўрқади. Иттифоқо таксига тушиб, бир жононни кўради. Бирам яхши-е! Муомаласи, меҳрибонлиги. Йигит билса, у — доктор экан. «Э, шундай дўхтирлар ишлагандан кейин касалхонага бормай бўладими!» деб ўйлайди.

Бизнинг ёши улуғ ёзувчиларимиздан Мақсуд Қориевнинг ўша «Саодат»нинг 12-сонида босилган «Ота» ҳикоясида — қайнонасидан нолиб, отасининг уйига қайтиб келган қизнинг ОТА тарафидан тағин эрининг уйига оборib қўйилиши тасвирланиб, сўнгида хулоса чиқарилади: «Нега бундай, а? Қайнона билан келин ҳадеганда қовушавермайди? Келин қайнонани «ойижон» деса, қайнона келинни «қизим» деса, қандоқ яхши!»

Яхши бўлади, ҳа. Лекин бу гап... «ҳикоя»ми?

Аҳаджон Ҳасанов «Шарқ юлдузи»да (4-сонида) чиққан «Қоплон» ҳикоясида бир ўғри-каззоб пахта пункт мудирининг фожиасини кўрсатмоқчи бўлади. Аммо... фожиасига сабаб бўладиган нарсанинг ўзи йўқ ҳикояда. Лекин негадир, уям... жинни бўлади.

У кишининг отаси эса... Чолнинг ўғлига айтган шу гапини тингланг:

«— Шунақа бўлди, ўғлим. Сўққабошимда — катта бир ҳовли, боғчага топшириб қўя қолдим... Боғчанинг қоровуллигини қилаяпман... Ижроқўм ойлик чиқазган экан, бориб бекор қилиб келдим...»

Қачон бу каби сунъий образлар, ёлғон тасаввурлардан қутиламиз?

Ўзимизнинг, ўзимиз ҳам яхши биладиган ёлғон хаёлларимизни ҲАҚИҚАТ деб ўқувчига тортиқ қилишдан... уяламиз?

Евгений Березиковнинг «Ёшлик»да берилган «Сурат» ҳикоясида қизиқ материал бор. Мамадали деган база мудири давлатнинг кўп пулини ўмаргач, тафтиш маҳали қўлга тушишдан қўрқиб, паспортини ўзгартириб, қочади. Тинч океанида балиқчилик қилиб юради. Ўн йиллардан кейин юртга қайтиб, овқатланиш учун кирган ошхонасида — столда ўз расмини кўради. Тагида: «Шу одам қидириляпти», деб ёзилган.

Кейин Мамадали билан унинг Акси ўртасида суҳбат кетади. Бу яхши ТОПИЛДИҚ! Аммо автор бошда нималарни ёзган бўлса... **улар яна қарийб такрорланади.** Сўнгра, Мамадали ҳам ўз ихтиёри билан милицияга жўнайди.

Бир нарсага аминманки, анчайин материалдан ҳам уста адиб яхши ҳикоя яратиши мумкин.

Мана — Учқун Назаровнинг «Машъала»си. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да эълон бўлган.

Биламан: у ҳикоя кўпларга ёққан.

Сюжет жуда оддий, а?

РАҲБАР келмоқчи. КАТТАКОН раҳбар. Халқ уни кутишга чиққан. Тўғрироғи, райком уни олиб чиққан. Кексаю ёш — бари шу ерда. Гул кўтарган пионерлар, плакат тутган ўсмирлар. Кун жуда ИССИҚ!

Раҳбар келавермаяпти.

Қанчалар ТАНИШ манзара! Ҳар биримиз ҳам ўшандай тўпларда бўлганмиз десам, хато қилмасман.

Раҳбардан дарак йўқ.

Халқ тарқалмоқчи.

«Янги наряд чақиринг. Милисалар ичкарига ҳайдаб кирсин, — деб буюради секретарь. — Лекин залга эмас, стулларни расво қилишади!»

Милисалар халқни иморатга ҳайдаб кириб, эшикларни қулфлашади.

Бу ер дим! Бир-икки киши ўзидан кетади...

РАҲБАР КЕЛМАЯПТИ.

Қандай **даҳшат!**

«Тавба, ўзимиз ҳам ўшандай одамлар тўпида бўлган эдик-ку? Нечук ўшанда «БУ ДАҲШАТНИ СЕЗМАГАН ЭКАНМАН?» деб ўйладим.

Ҳикояда КАТТАКОН раҳбар ШАХС сифатида кўринмайди, аммо биз унинг **кичкина макетини** аниқ КЎРАМИЗ: у — райком секретари ПАРПИЕВ.

Шубҳасиз, замон айланиб, Парпиев кўтарилса, ундан ҳам ўша КАТТАКОН раҳбар — ДИКТАТОР чиқарди.

Ҳикоя давомида иморатга ўт кетади: симлар бир-бирига тегиб, эриб бўлгач, ўт кетади. ЁНҒИН! Ваҳимадаги халқ тошиб-қочиб чиқа бошлайди. Қий-чув, йиғи-сиғи... Уёқдан ниҳоят, РАҲБАР-ДИКТАТОРнинг карвони — қатор тизилган машиналар кўринади.

Энди, ҳикоядаги бир нуқтага нисбатан мулоҳазамни айтаман: ёнғин чиқишига сабаб қилиб симларнинг кобиғи эриши, бир-бирига қўшилиши айтилади.

Менимча, ёнғин чиқишига қамалган халқ сабаб бўлса керак: табиий, халқ тўс-тўполон кўтара бошлаганда, симларнинг узилиб, ёнғиннинг ўз-ўзидан чиқиши табиий ҳол!

Тўғри, Назаров ҳам, бошқа айрим ўртоқлар ҳам: «Ўшанда аҳвол шундай эди-ку?» ёхуд «Бу ечим кучлироқ эмасми?» деб эътироз билдирар?

Асар, ҳар қалай, ўзи учун ўзи жавоб бериши керак: санъат ҳақиқати ҳаёт ҳақиқатидан сал-пал баланд турмаса, у санъат бўлиб нима бўлди?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пироварди, ўшандай шароитда одам тугул, мол ҳам бўкириб, ўзини тешик-туйнукка уради: чунки ЯШАШ УЧУН КУРАШ шуни тақозо этади.

ИККИНЧИ ҳикоя — Нортўхта Қиличевнинг «Байрам»и.

Мамлакат жанубидаги бир шаҳардан қайтаётган йигит таксида владивостоклик бир жувон билан ҳамроҳ бўлиб қолади. Маълум бўладики, жувон отасининг ўлимидан келаяпти. Лекин КУЮНМАЁТГАНга ўхшайди.

Нега?

Бундан сал вақт олдин Ота Қизини ёнига чақирганда, қиз вақти йўқлигини важ қилиб, бормаган экан. Шунинг учун Ота аламдан, ёлғизлик азобидан бир кампирга уйланибди: 69 ёшида! Ва, орадан сал вақт ўтмай, қазо қилибди-да, бисотидаги 15000 сўмни ўша кампирга васият қилиб қолдирибди.

Қиз ана шундан тажанг экан: ўша пулни ундириб олиш ташвиши бошини қотираётган экан.

Жувоннинг бу қилиғидан ўксий бошлаган қаҳрамон туйқус эслаб қолади: ахир, ўзиям... БАЙРАМ туфайлигина ота-онасини кўргали боряпти-ку?

Ҳайратдан қотиб қолади!

Хайриддин Султоновнинг «Пластинка»сига ўхшаш — техникага қурилган бу ҳикоя реаллиги, психологик тасвирларнинг ғоят ростлиги ва кейинги ДАВРда одамлар орасида пайдо бўлган буюк бир ОҚИБАТСИЗликни ишонарли кўрсатгани учун ғоят ҚАДРЛИДИР.

Режамга кўра, эндиги гап — ҚАЙТА ҚУРИШ жараёни акс этган ҳикоялар ҳақида бўлиши керак эди. Аттанг! Ундай ҳикоялар: бир, икки...

Биттаси менга ёқди! «Тафтиш». Муаллифи — Абдулқосим Мамарасулов («Ёшлик», 10-сон).

Мен ДАНГАЛ айтишни истар эдим: бу йигитдан яхши ЁЗУВЧИ чиқади. Унда чин ижодкор учун зарур бўлган ҳамма жиҳат бор. «Тафтиш» ҳикояси кирган туркуми номини «ХАРАКТЕРЛАР» деб аташи ҳам бизга анча нарсани англатади.

20 йил шофёрлик қилиб, ҚАЙТА ҚУРИШ давридаям пешонаси ёришмаган, яъни, янги машина ололмаган, яъни, шу кунда ҳам хўжаликнинг эгаси — совхоз директори ПОРА эвазига машина бериши, ундан шикоят қилсанг, тафтишга келган кишининг ҳам «сотилиши», оқибат арз қилганинг учун туҳматчига чиқишинг ва сен учун дунё қоронғи бўлиб қолиши... аниқроғи, мана шундай ҳолга тушган Тоживой деган камтар, камсуқум, мўрчани оғритмаган йигитнинг директорни пичоқлаши, кейин ўша пичоқни ўзига уриши билан тугайди... бу ҳикоя.

Бундай асарлар бизни ҳушёр бўлишга ундайди. Қайта қуришнинг ўзи бўлмаслигига ишонтиради.

Яхши кунлар келди!

Шу маънодаки, НАРСАЛАРни ўз НОМИ билан аташ, ҲАҚИҚАТни ёзиш мумкин бўлиб қолди!

Абулқосимнинг ҳикояси ҳақида битта мулоҳаза бор: адиб асарни... АСАР қаҳрамонларидан БИРИГА айланиб ёзганга ўхшайди: бу деганим — ёзувчининг ҳаётга МУНОСАБАТИ ва САВИЯСИда уларга яқинлик бор деганим.

Мана, исботи: биз одатда «Думалоқ хат» ёзгувчиларни ҳажвчилар асарларидагина кўриб ўрганганмиз: уларнинг йўриғи бошқа.

Абулқосим нима қилади?

Думалоқ хат ёзгувчилардан (улар уч киши) — бирини КАТТА ака, бирини ЎРТАНЧИ ака, яна бирини КЕНЖА ака, деб атайди.

Нега?

Ажаб! Худдики, уларнинг номини айтса, ёхуд... ўзларини ўхшатиб тасвирласа, ҳамқишлоқлари ундан хафа бўладигандек ёки... Абулқосим ўзини ҳам дарҳол ёзишларидан қўрқадигандек туюлади.

Ана шунинг учун улар ШАРПАЛАРга айланиб қолган.

Бундан ташқари, Абулқосим ЁЗИШ МАДАНИЯТИни ҳам ўстириши керак, деб ўйлайман.

Кейинги уч-тўрт йилда адабиётимизга бир-иккита адиблар кириб келди. Улар билан баробар— «анъанавий ҳикоя қилиш усулидан қочиш», «эксперимент», «Лотин Америкаси», Фолькнер, Кортасар ва ҳоказолар номи ҳамда бирикмалари тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди.

Бу йўриғда «Шарқ юлдузи» алоҳида хайрихоҳлик ҳам кўрсатди: ўзича, «янги йўл»да беш-тўртта ҳикоялар битган Олим Отахоновнинг каттагина мақоласи — кредосини ҳамда айрим ўртоқларнинг унга муносабатини эълон қилди.

Шу тариқа бу борадаги изланишлар анча ойдинлашди. Олимнинг «Ёшлик» журнали 11-сонида босилган «Муҳаббат, муҳаббат...» номли туркумини икки қайта ўқидим.

Бироқ барибир... ҳикояларни ТАҲЛИЛ этишга қийналдим: буёқдан ёндашсанг, Олимбой: «Уёқдан!» дейдигандек бўлаверди, ўша ёққа ўтсанг — бу томонни кўрсатадигандай.

Дарвоқе, бу ҳикоялар мазмунини айтиб бериб ҳам бўлмайди. Шунинг учун... ўқиш жараёнида қолдирадиган ТААССУРОТИ ва Қаҳрамонларининг РУҲИ ҳақида сўзлашга қарор қилдим.

Хў-ўш, аввалам бор, бу ҳикояларда ҳам Олим Отахонов севган образлар бор: беш-тўртта болалар: бири — бўшанг, бири ёвуз ва ҳоказо. Улар орасида муштлашишлар, яна алламбалолар... Дарвоқе, бу туркумдаги бир ҳикояга ўғил болаларниям қойил қолдирадиган мард бир қизча кирган.

Эътироф этиш керак: қизчанинг кўп ҳаракатлари, пироварди, унинг жувон сифатидаги ўз ўйлари ва хатти-ҳаракатлари таҳлили — ишонарли қилиб ёзилган. Бундан ташқари, авторнинг I шахс тилидан ҳикоя қилатуриб, бемалол III шахсга кўчиши ва шу ҳолдаям «қўштирноқ»ка олинган алоҳида «мулоҳазалар» ҳам берилиши — ўқувчига малол келмайди...

Хусусан менга малол келмади. Буям кам: ҳикоядаги мана шу парчаларни — авторнинг тасвир имкониятларини КЕНГАЙТИРИШ йўлидаги ЮТУҒИ, деб ҳисоблайман.

Давом этамиз.

Демак, ўша болалар... Сўнг ўз ЎЙЛАРИ — нотаниш қиз ҳақидаги хаёллари гирдобида тентираётган ЁЛҒИЗ бир кимса... Ва сентиментал ҳолатларнинг СОДИҚ ҲАМРОҲЛАРИ — ёмғир, куз, шамол, хазон, ойсиз тун, зимзиёлик, оқ кийим...

Дарвоқе, Олим тасвирда шошганроқ кўринади. Масалан, «кеч куз» дейди. Аммо қизалоқлар «бир хил русум»даги ОҚ ҲАРИР кўйлак кийиб юришади. «ЕР қуруқ. Фақат унда-бунда лойга ёпиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган япроқлар бор», дейди. Ерни қуруқлиги ҳақида бизда тасаввур уйғотгандан кейин лой ҳақида гапириш ғалати. Бунгаям хўп деб турганингда, ўқийсанки, шамол бўлаётган экан: «У хазонларни учиряпти».

(Ёки бир бола ҳақида гапириб: «Япасқи бурни қийшиқ эди», дейди...)

Энди мана бу тасвирга эътибор қилинг: «Бамисоли нотинч денгизда адашиб-улоқиб юрган ва кунлардан бир кун нур сочаётган маёқни кўрган денгизчилар илкис қувончдан ўзларини йўқотиб қўймай, дастлаб нажотбахш маёқнинг рафторига мафтун бўлгандек...»

Бу тасвир... узоқлардан — океан соҳилларидан келиб қолгандек туюлмайдими?

Мана бунга нима дейсиз?: «Сен дераза нинг шундоқ рўпарасига бориб оласан-да, худди Сулла легиони қаршисида якка ўзи қилич яланғочлаб турган Антоний сингари ўзингни ҳам ожиз, ҳам ҳар нарсага қодир сеза бошлайсан...»

Бу гапни бир грекми, испанми ёзганда — ҳайрон бўлмас эдим.

Нега бундай, а?

Олим ўзининг кредо-мақоласида: «Шаклга қизиқиш янгича форма, янгича қурилмаларни кашф этишга олиб боради», дейди ва... ШАКЛ деганда, асосан, Лотин Америкаси ҳикоя шаклларини кўзда тутади ҳамда бу борада улардан «ибрат» олишни тарғиб этади.

Иттифоқо шуни эслайсан-да, англаб қоласан: адиб ҳикояларидаги ғайритабиийликларнинг илдизи мана шу... ШАКЛда эмасми?

Демак, Олим ШАКЛни бировлардан олади-ю, ўзбекча гаплашадиган қандайдир одамларни унга жойлаштиради?.. Мен «ҚАНДАЙДИР» дедим.

Илло, Олимнинг ушбу қаҳрамонида на МИЛЛИЙ, на ИЖТИМОИЙ, на ДИНИЙ ва на-да бошқа «ний-нийлар» билан боғлиқ жиҳатлардан (ўзбекча ёзилгани ҳисобга олинмаса) асар ҳам йўқ.

Хўш, улар кимлар бўлди?

Авторнинг жавоби тайёр: ИНСОН!

«Тавба, — дейсан. — Ахир, ИНСОН деганимиз — ҳамма вақт КОНКРЕТ шахс ҳам бўлган-ку?»

Ахир, Лотин Америкаси адибларининг қаҳрамонлари ҳам шунчаки ИНСОН эмас, айни чоғда КОНКРЕТ шахслар эмасми?»

Мен гапни шу ерда тугатаман: Олим Отахонов шундай қаҳрамонни (севиб) тавсифлабди экан демак, унда бунга эҳтиёж бор ва ҳалиги тўрт-бешта «болалари» саргузаштларидан ҳам айрилолмас экан, демак, унинг «бисоти»... ҳозирча шу.

Ҳикоячилигимиз 87-йилда ШАКЛАН ва қисман мазмунан ҳам анъанавий йўлда илгарилади. Бу йўлда яхши асарлар ҳам яратилди.

Иккинчидан, ҳикоянависларимиз ТУРМУШга ЧУҚУРРОҚ шўнғий бошладилар: бунинг САМАРАЛАРИни ҳам кўрдик. Учинчидан, бир қурум адиблар ТАСВИР ИМКОНИЯТларини кенгайтириш устида турли тажрибалар ҳам қилишяптики, буям СИФАТ ўзгаришларига олиб бориши табиий.

Энди, умуман, МАҲОРАТ бобидаги тилак — ОЛАМни кенгроқ, ДУНЁВИЙРОҚ мушоҳада этиш, демак, ўзимизга ИЖТИМОИЙ ва БАДИИЙ талабларни каттароқ қўйиш, қолаверса, ижод ТЕХНИКАСИ-профессионалликни мукаммалроқ эгаллашдан иборатдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

ШЕЪРИЯТ

Жуманиёз Жабборов. Бир бутунликда жаҳон 3
Хосият Бобомуродова. Кўзимдан ёш эмас, олов тўкилар 8
Анвар Исроилов. Буюк ганжинадир кўкдаги қуёш 25
Охунжон Ҳакимов. Ватан даъвати 28
Муҳаммад Ражаб. Куч сезади дарёлар ирмоқларнинг мавжида 108
Шукур Содиқ. Бахт муқим қолади абадиятдай 113

НАСР

Иброҳим Раҳим. Дилхирож. Қисса 10
Мурод Муҳаммад Дўст. Лолазор. Роман 30

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Улуғбек Абдусаломов. Қоравой. Ҳикоя 111

ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИ

Хорхе Луис Борхес. Ўлмайдиган одам 116

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Ҳабиб Саъдулла. Эътиқод. Достон 125

ПУБЛИЦИСТИКА

Иван Мунаев. Қардошлигимиз сарчашмалари 131

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

Икром Расулов. Қайта қуриш ва муаллим 139

САНЪАТ

Шоҳалил Шоёқубов. Классик миниатюранинг иккинчи ёшлиги 147

НАВОИЙХОНЛИК

Нурулла Аҳмедов. Мангу барҳаёт образ 153

ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ

Гулчеҳра Нуруллаева, Юсуф Жумаев. Ҳар қадамда муаммо, муаммо... 156

АДАБИЙ ТАНҚИД

Шукур Холмирзаев. Мўъжиза бўлиб қолсин 162
Салоҳиддин Мамажонов. Парвозга шайланамиз 170

ПУШКИНХОНЛИК

Пушкиннинг рафиқасига мактублари 174

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Устоз мактублари 176

ТАҚРИЗЛАР

Нусратилла Жумаев. «Ухлаётган ботирдир — минор» 180
Тўлқин Йўлдошев, Жума Хўжақулов. Олимнинг янги мажмуаси 182

АКС-САДО

Турсуной Содиқова. Кўнгилдаги гаплар 184

САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Равшан Қодиров. Янги одам. Қисса 190

ГУЛҚАЙЧИ

Ямин Қурбон. Масаллар 206
Абдуғани Абдуғафуров. «Оғир йиллар» эмиш... 207

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(Звезда Востока)
№ 6
Орган Союза писателей Узбекской ССР
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1988

Техник редактор **А. Ҳайдаров.** Рассом **Ғ. Алимов** Корректор **М. Имомов.**

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 07.04.88 й. Босишга рухсат этилди 23.05.88 й. Қоғоз формати 70×108 1/16. Р-13936. Фотонабор. Офсет босма усули. Босма листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 171432. Буюртма 3185.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi